

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1484-ҳадис

1484 - وَرَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ مِنْ رِوَايَةِ حَفْصَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، وَفِيهِ: أَنَّهُ كَانَ يَقُولُهُ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ [د
.[5045

1484. Абу Довуд ҳам Ҳафса розияллоҳу анҳодан худди шу маънодаги ҳадисни ривоят қилиб «У зот уч марта айтардилар», деган сўзни келтирдилар.

Шарҳ: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўнг томонлари билан ётиб, ўнг қўлларини ўнг юзларига қўйиб ётганлари, Аллоҳ буйруқларига ва қадарига рози эканларини кўрсатади. Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга ўргатган дуода муҳим бир дарс мавжуд; Танбалликдан сақланишлар. Ўлгандан кейин ҳамма тирилади, ўша куни инсон биринчи ҳисоб-китоб қилинади, кейин эса ё мукофотини олади ёки жазоланади. Шунинг учун сиз ҳам ҳар доим, ҳатто истироҳат учун ётган вақтингизда ҳам Аллоҳдан паноҳ сўранг, демакдир. Инсон учун энг катта душман шайтон эканлигини унутмаслиги керак. Қиёмат куни инсонни қўли бўш ва юзи қора бўлиши учун шайтоннинг ҳар куйга солишини унутмаслик ва Аллоҳдан шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ сўраш керак. Баро ибн Озибнинг ривоятидан ўрганганимизга кўра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқигандан, ўнг томони жамоатга кўринадиган шаклда юзини бурар эди. Шунинг учун асҳоб Аллоҳ Расулининг ўнг томонида бўлишни орзу қилар эдилар.

Расули Акрам бир куни юзини жамоатга бурган шаклда, ушбу дуони ўқиганларини Баро эшитди. Демакки, қисқа ва муҳим дуо фақат ётоқда ётганда эмас, ҳар вақтда ўқилиши керак.

Манба: hadis.islom.uz



